БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 153 (17.733). • 3 июль 1980 йил, пайшанба • Баҳоси 2 тийин.

«КОСМОС-1191» УЧИРИЛДИ

1980 йил 2 июль куни Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Космос-1191» учирилди.

Йўлдош ичига космик фазо тадқиқотларини давом эттиришга мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Йўлдошдаги аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

ИЛҒОРЛАРГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Совети областлар, районлар, совхозлар, колхозлар ва автоколонналар ўртасида бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш, давлатга ғалла сотиш, уруғлик фондларини жамғариш ва дон ташиб олиш соҳасида ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1980 йил 1 июлгача бўлган якунларини кўриб чиқдилар.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга бериладиган бўлди:

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ (область партия комитети секретари ўртоқ Мусаҳонов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Алимов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Раҳмонов, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Бекбоев, область «Госкомсельхозтехника» раиси ўртоқ Хегай). Бу область бошоқли дон экинлари ўрим-йиғим планини 72,2 процент, шу жумладан ўн кунликда 49,7 процент, давлатга ғалла сотиш топшириқларини 51 процент, шу жумладан ўн кунликда 44,5 процент, уруғлик жамғариш топшириқларини 27,5 процент, шу жумладан ўн кунликда 26,3 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилади;

АНДИЖОН ОБЛАСТИ (область партия комитети секретари ўртоқ Мамарасулов, область ижроия комитети раиси ўртоқ Ҳасанов, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Қодиров, область ғалла маҳсулотлари ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Пак, область «Госкомсельхозтехника» раиси ўртоқ Раҳимов). Бу область бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаган, давлатга ғалла сотиш топширғини бажарган ва уруғлик жамғариш топширғи 75,9 процент, шу жумладан ўн кунликда 34,9 процент бажарилишини таъминлаган. Байроқ Сурхондарё областидан олиб берилади;

Қашқадарё области **БАҲОРИСТОН РАЙОНИ** (район партия комитети секретари ўртоқ Аметов, район ижроия комитети раиси ўртоқ Орзиқулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи ўртоқ Бориев, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сифатини белгилаш давлат бош инспектори ўртоқ Очилов, район «Госкомсельхозтехника» бошқарувчиси ўртоқ Осмонов). Бу район бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаган, уруғлик жамғариш топширғини бажарган ва давлатга дон сотиш топширғи 96,4 процент, шу жумладан ўн кунликда 64 процент бажарилишини таъминлаган. Байроқ Фарғона область Киров районидан олиб берилади;

Жиззах областининг **ЗАРБДОР РАЙОНИДАГИ «76-ЙИЛ-ҚИЧИЛИК ЗАВОДИ» СОВХОЗИ** (совхоз директори ўртоқ Мусаев, партия ташкилотининг секретари ўртоқ Маҳмудов, ишчилар комитети раиси ўртоқ Қаршибоев). Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғими планини 54 процент, шу жумладан ўн кунликда 34 процент, давлатга ғалла сотиш топширғини 86,7 процент, шу жумладан ўн кунликда 86,7 процент ва уруғлик жамғариш топширғини 120 процент, шу жумладан ўн кунликда 120 процент бажарган. Байроқ Жиззах область Октябрь районидаги С. Раҳимов номли совхозидан олиб берилади;

Самарқанд область **ЖОНБОЙ РАЙОНИДАГИ «УКРАИНА» СОВХОЗИ** (совхоз директори ўртоқ Абдуҳамидов, партия ташкилоти секретари ўртоқ Холбоев, ишчилар комитети раиси ўртоқ Тўйчиев). Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаган, давлатга ғалла сотиш ва уруғлик жамғариш топшириқларини бажарган. Байроқ Андижон область Избоскан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозидан олиб берилади;

Тошкент область **ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИДАГИ КИМ ПЕН ХВА НОМЛИ КОЛХОЗ** (колхоз раиси ўртоқ Те, партия ташкилоти секретари ўртоқ Маматхолиқов, касаба союз комитети раиси ўртоқ Урозбеков). Бу колхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллаган ва давлатга ғалла сотиш топширғини бажарган ҳамда уруғлик жамғариш топширғи 93,3 процент, шу жумладан ўн кунликда 93,3 процент бажарилишини таъминлаган. Байроқ Наманган область Норин районидаги Октябрь колхозидан олиб берилади;

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ АВТОТРЕСТИНИНГ 2504-АВТОКОЛОННАСИ (автоколонна бошлиғи ўртоқ Носиров, партия ташкилоти секретари ўртоқ Воронин, маҳаллий комитет раиси ўртоқ Раманов). Бу автоколонна ўн кунликда дон ташиш планини 118 процент бажарган. Байроқ Наманган область автотрестининг 2523-автоколоннасидан олиб берилади.

ҚУРИЛИШ КАДРЛАРИ

Қурувчилар ўнинчи беш йиллик солномасига кўпдан-кўп ёрқин саҳифалар битдилар. Байкал-Амур магистралининг бир қанча участкаларида поездлар юриб турибди. Ғарбий Сибирь комплекси нефть ва газ қазиб олинадиган асосий базага айлантирилди. Усть-Илим ва Норак ГЭСлари тўла-тўкис қуриб битказилди, юзлаб янги заводлар, фабрикалар ва шаҳталар ишга туширилди, қудратли трубопроводлар ва суғориш каналлари ўтказилди. Бу ишга миллионлаб кишилар ўз билими, маҳорати, қалб ҳароратини қўшиб, социалистик экономикамизни янада равнақ топтиришга актив кўмаклашганликлари туфайли шу муваффақиятларга эришиш мумкин бўлди.

«Тез, тежамли ва замонавий техника асосида қуриш, — деди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида, — капитал қурилишдаги юксак самарадорликнинг шартларидир». Тармоқнинг энг яхши коллективлари — «Липецкстрой», «Новокузнецкстрой», «Донбасспромхиммонтаж» трестлари, Москва, Ленинград, Таллин, Воронеж, Ярославль ва бошқа шаҳарлардаги уйсозлик комбинатлари ўнинчи беш йилликда айни шундай ишламоқдалар. Бу коллективларнинг дуруст моддий-техника базаси, ажойиб кадрлари бор. Ҳамма қурилиш ташкилотлари пировард натижаларга — объектларни ўз вақтида ишга туширишга сафарбар этилган.

Яқинда КПСС Марказий Комитети «Липецкстрой» трести партия комитетининг кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолиши ва барқарор меҳнат коллективини вужудга келтириш тажрибасини маъқуллади. Инсон тўғрисидаги қундалик ғамхўрлик — шу қимматли тажрибанинг асосидир. Одамларнинг умумий таълим ва касб-кор жиҳатдан ўсишига, иш жойини тўғри ташкил этишга, яхши маданий-маиший шароит яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Партия комитети ва жўялик раҳбарларининг актив ҳаракатлари бригада хўжалик ҳисобини, қурилишни босқичма-босқич битказиш методини, конструкцияларни йириклаштириб монтаж қилишни, «Ишчи эстафетаси» принципи асосидаги мусобақани кенг миқёсда ташкил этиш усули оммавий равишда қўлланилишига кўмак берди. Бу эса ташаббускорлик, ижодкорлик учун уфқ очди. Мутахассислар маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг мунтазам системасини, типовой маиший шаҳарчалар лойиҳасини тавсия этдилар, эндиликда эса, ҳар бир майдончада мана шундай шаҳарчалар бор. Шунинг натижасида кадрларнинг қўнимсизлиги кескин камайиб, бултур атиги 6,5 процентни ташкил этди. Коллектив кислород-конвертор цехини, иккита кокс батареясини, қудратли домна печини ва бошқа объектларни барвақт ишга туширди.

Капитал қурилиш миқёслари беш йилликдан беш йилликка ўсиб бормоқда. Қабул қилинган планларнинг бажарилиши, аввало, тармоқда меҳнат қилаётган кишиларга боғлиқ. Ҳозирги қолоқлик кўп жиҳатдан кадрлар қўнимсизлиги ҳамон катта эканлиги билан изоҳланади. Хабаровск ва Приморье ўлкаларидаги, Жезқазғон, Киров областларидаги, Коми АССРдаги баъзи бир коллективларнинг ярмиси бир йил давомида янгиланиб турибди. Бундан жуда катта зарар кўрилмоқда. Касб ўрганган, иш усулларн ва кўникмаларнн эгаллаб олган кишилар кетиб, уларнинг ўрнини янгилари эгаллашмоқда. Умумий меҳнат унумдорлиги пасаймоқда, қурилиш конвейерининг ҳаракати сусаймоқда. Натижада объектларни ишга тушириш кечикмоқда, планлар бажарилмай қолмоқда. Чунончи, кўмир саноатидаги тўққизта шаҳта ўрта ҳисобда саккиз йилдан кўпроқ вақтдан бери қурилмоқда, норматив муддат икки ҳисса чўзиб юборилди.

Кадрлар қўнимсизлигини камайтиришга, меҳнат коллективларининг барқарорлигини мустаҳкамлашга муваффақ бўлинса, капитал қурилишдаги ишлар анча яхшиланган бўлур эди. Бироқ, фақат маъмуриятчилик қилиш билан, буйруқлар билан аҳволни тузатиб бўлмайди. Липецк, Норак, Қозон, Ростов-Донда амалда қўлланилаётганидек, аввало, кишилар тўғрисида партиявий ғамхўрлик қилиш, уларни меҳнатга жалб этишнинг янги методлари ва усулларини қидириб топиш муҳимдир. Ҳозир маошлар нақадар катта бўлмасин, фақат шунинг ўзи билан одамларни ушлаб қолиб бўлмайди, ҳақиқий коллективни вужудга келтириб бўлмайди. Литвада ўтказилган социология тадқиқотларидан маълум бўлишича, янги ишга кирувчиларни даставвал меҳнат шароитлари, касб-ҳунар жиҳатдан ўсиш истиқболи ва шундан кейингина иш ҳақи қизиқтиради.

Энди қурувчилар сафига қўшилаётган ёшларнинг умумий таълим даражаси анча ошди. Бу ҳол касб-кор маҳоратини тезроқ эгаллаб олишга, ўз ишининг мутахассислари бўлиб етишишга ёрдам беради. Аммо ёшлар меҳнатнинг мазмунига нисбатан ҳам катта талаблар қўйишмоқда. Тармоқда эса, айниқса, сувоқчилик, бўёқчилик, дурадгорлик ва бошқа баъзи ишларда қўлда бажариладиган ва кишини қизиқтирмайдиган юмушлар ҳали ҳам кўп. Қўнимсизликнинг сабабларидан бири ҳам мана шундадир. Қурилиш конвейери хилма-хил техника билан таъминланиши, меҳнат маданияти, унинг самарадорлиги кўтарилиши учун олимлар, конструкторлар, ишчиларнинг ўзлари кўп иш қилишлари лозим.

Баъзи қурилишларда одамлар меҳнатининг самараси ҳали ҳам кам, чунки кўпинча бу меҳнат ёмон ташкил этилган. Редакцияга келаётган хат-хабарлардан маълум бўлишича, бригадалар кўпинча материалнинг йўқлиги, машина ва механизмларнинг бузилиши, турдош касб эгаларнинг орқада қолиши сабабли бекор турмоқдалар. Ана шу сабаблар ҳам кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқармоқда. Меҳнат одамларга қувонч бахш этиши, мамнуннят туйғусини ҳадя қилиши лозим. Иккинчи томондан, ёш қурувчига ҳамма нарса таппа-тайёр ҳолда осмондан тушмайди. Унинг ўзи кўпроқ ташаббус, омилкорлик кўрсатиши керак.

Меҳнатни илмий ташкил қилиш, қурилиш ишларини пухта бошқариш одамларни жипслаштиришини, уларни ўз бошқармаси, трести, комбинати, бирлашмаси шарафини қадрлашга мажбур этишини, иш натижалари учун масъулиятни оширишни илғор коллективларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Тармоқ министрликлари қимматли ташаббусларни оммалаштириш, фан ва техника ютуқларини жорий этиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари, ишларни ташкил этиш ва бошқаришга оддий қурувчиларни кенгроқ жалб қилишлари лозим. Янгича иш шароитларига ўтишга тайёргарлик кўрилаётган ҳозирги пайтда бундай қилиш айниқса муҳимдир.

Коллективларни жипслаштирувчи бўғин, уларнинг раҳбар ва раҳнамо кучи бўлмиш партия комитетлари ҳар бир меҳнатчига, унинг касб-ҳунар жиҳатидан ўсишига, меҳнат ва турмуш шароитларнинг яхшиланишига эътибор беришлари керак. Бундай қилиш қурилишларда меҳнат унумдорлигини оширишга, план ва графикларнинг бажарилишига ёрдам беради. Уз касбининг энг яхши устаси номини олиш учун конкурсларни тез-тез ўтказиб туриш, илғор тажриба мактаблари, мураббийликнинг ролини кучайтириш, социалистик турмуш учун ҳаракатни активлаштириш зарур. Мана шуларнинг ҳаммаси кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига, қурувчиларнинг барқарор коллективлари қарор топишига кўмак беради.

Ўнинчи беш йилликнинг тугашига ярим йилдан озроқ вақт қолди. Беш йиллик программасини муваффақиятли бажариш, планлаштирилган ҳамма объектларни ишга тушириш, янги беш йилликда ишлашга яхши ҳозирлик кўриш — қурилиш коллективларнинг энг муҳим вазифасидир. Бу— уларнинг КПСС XXVI съездини мунносиб кутиб олиш йўлидаги курашга қўшган салмоқли ҳиссаси бўлади.

(«ПРАВДА» газетасининг 2 июлдаги бош мақоласи).

МОСКВАДАН ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Германия Федератив Республикаси федерал-канцлери Гельмут Шмидт ва федерал-канцлер ўринбосари ГФР ташқи ишлар министри Ганс-Дитрих Геншер 1 июлда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

Меҳмонларни аэродромда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Н. А. Тихонов, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚА ДАВОМ ЭТАДИ

Ўзбекистон ССР Янгийўл районидаги уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз билан Тожикистон ССР Турсунзода районидаги Ленин номли колхоз меҳнат аҳли анъанавий мусобақани давом эттирмоқдалар. Қуйида ҳар икки колхоз раҳбарларига сўз берилади.

БИЗНИНГ МАРРАМИЗ

Ў. ЖЎРАЕВ,
Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз раиси

Партиямизнинг XXVI съезди очиладиган кун тобора яқинлашмоқда. Съезднн муносиб туҳфалар билан кутиб олиш шарафи бурчимиздир. Дастлабки совғамиз тайёр — давлатга пландаги 18,9 тонна ўрнига 26,3 тонна пилла топшириб, бу йилги, умуман эса беш йиллик мажбуриятимизни ошириб бажардик. Сут тайёрлаш олти ойлик топшириғи 107 процент ado этилди, тайёрлов ташкилотларига ўтган йилнинг шу даврндагига нисбатан 23 тонна кўп сут етказиб берилди. Гўшт, тухум тайёрлаш ярим йиллик планлари ҳам ортиғи билан бажарилди. Бошқа тармоқлар бўйича белгиланган топшириқлар ҳам ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича муваффақиятли бажарилянти.

Лекин олдимизда катта вазифалар турибди. Якунловчи йилда 1350 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил олмоғимиз, давлатга 5.600 тонна «оқ олтин» топширмоғимиз, пахта миқдорини бултургидан 900 тонна кўпайтирмоғимиз, 4.000 тонна пахтани машиналарда териб олмоғимиз керак.

Учинчи комплекс парваришдан чиқарилаётган ғўзаларимиз соғлом ўсяпти, гуллаяпти, кўсаклаяпти, 45—50 центнерчи Е. Сарибоев, Т. Темиров, Д. Жумаев, С. Эсонбоевлар бригадасининг ғўзалари дуркун ўсиб, баркамол ҳосилдан дарак бермоқда.

Далаларимизда 32 чопиқ тракторн ишлаяпти. Унинг ҳар бири билан кунига 6—7 гектар ер культивация қилиняпти, ғўзалар озиқлантирилмоқда, суғоришга жўяклар олиняпти.

Июль ойи охиригача бешинчи парваришни тугаллаймиз, камҳосилли ҳисобланган 300 гектар майдондаги ўсимликка табақалаб бир марта қўшимча ишлов берамиз. Бегона ўтлар бутунлай йўқотилди, унинг қайта пайдо бўлишига йўл қўймаймиз.

Парваришни янада кучайтириш, шонани гулга, гулни кўсакка тезроқ айлантириш, эртаги пахтани қўлайтириш мақсадида далаларда ишлаётган чопиқчилар, сувчилар, химизаторлари қўлайтирдик, шу кунларда 1.100 киши мўл ҳосил тақдири учун астойдил курашяпти, графиклар ортиғи билан бажарилянти.

Азиз мусобақадошлар! Сизлардан ғўза парваришнинг бориши ҳақида «Совет Ўзбекистони» газетаси орқали хабар йўллашларингизни илтимос қиламиз.

10 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН

А. МИРЗАЕВ,
Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Икки қардош республиканинг икки жондош колхози орасидаги анъанавий мусобақа пахта, ғўшт, сут, дон, пилла ва бошқа маҳсулотларни кўпайтириш, сорти ва сифатини яхшилашда муҳим омил бўлянти, тажрибаларни ўртоқлашяпмиз, ютуқларни ҳамкорликда мустаҳкамлаяпмиз, камчиликларни бамаслаҳат бартараф этяпмиз. Ўнинчи беш йиллкнинг якунловчи босқичи — 1980 йилда давлатга 10 минг тонна пахта сотамиз. Мусобақамизнинг асосий якуни шу бўлади.

— Пахтадан юқори ҳосил етиштириш борасида нималар қиляпсизлар? Мусобақадошларимизнинг бу саволига шундай жавоб берамиз. 2.563 гектар майдондаги ғўзани агротехника қоидалари асосида парваришлаб, гектаридан 40 центнерлик ҳосилга пухта замин яратяпмиз. Колхозимиз уруғчилик хўжалиги. Пахтани саралаб терамиз, уруғлик пахта тайёрлаш планн бажарилгач, пайкалларга «зангори кема»ларни киритамиз. Ялпи ҳосилнинг катта қисми бункерлардан тўкилади.

45 центнерчи Р. Маматқулов бригадасида ғўзалар кўсаклади, Х. Сотқинов, И. Эргашев, А. Эшмирзаев, Ғ. Жалиловлар бригадаларида қийғос шоналаб, гулга киряпти.

Сувчиларимиз яхши ишлаяпти, ғўза қондириб суғорилаётир. З. Муродов, Ҳ. Маҳмудов, А. Эгамбердиев, М. Йўлдошев каби сувчиларимизнинг бой тажрибаси ҳамманинг мулки бўлиб қолди, ҳар куни 400—450 гектар ер сувдан чиқяпти. М. Мақсудов, А. Сафаров, Д. Мақсудов, А. Усмонов каби донгдор механизаторлар ғўза парваришида бир вақтнинг ўзида икки-уч хил ишни сифатли қилиб бажармоқдалар. Пахта далаларида 40 та чопиқ тракторн тинимсиз ишлатилянти.

Пиллакорларимиз фидокорлик билан меҳнат қилиб, беш йиллик планни анча ортиғи билан бажардилар, шу йилнинг ўзидагина тайёрлов пунктига 40 тонна «кумуш тола» етказиб берилди. Ярим йиллик ғўшт, тухум тайёрлаш планлари ортиғи билан ўринланди, сут тайёрлашда яна ҳам олга кетилди.

Гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариб, она-Ватанга 10 минг тонна пахта етказиб бериш, КПСС XXVI съездини мунносиб совғалар билан кутиб олиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишлайверамиз.

Ҳамроқул Турсунқулов номли колхозда ҳам, Ленин номли колхозда ҳам ҳамма майдонларда июль ойида икки марта, камҳосилли майдонларда эса уч марта комплекс парвариш ўтказишга, ҳар туп ғўзада ўнтагача тўқ кўсак бунёдга келтиришга қарор қилинди. Бутун куч-техника воситалари ана шу мақсад йўлида сафарбар этиляпти.

Анъанавий мусобақа сардорларига янги зафарлар тилаймиз!

КЎП БОЛАЛИ ОНАЛАРГА МУКОФОТЛАР

СССР Олий Совети Президиумининг 1980 йил 26 июндаги Фармонига биноан Узбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 1006 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди, уларга «Қаҳрамон она» ордени ҳамда СССР Олий Совети Президиумининг ёрлиқлари топширилади.

(ЎзТАГ).

МУЗОКАРАЛАР ТАМОМ БЎЛДИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГФР федерал-канцлери Г. Шмидт ва федерал-канцлер ўринбосари, ГФР федерал ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер ўртасида музокаралар 1 июль куни тушдан кейин Кремлда ниҳоясига етди.

Л. И. Брежнев олиб борилган музокараларни якунлаб, зарур ва фойдали иш қилинди, деб айтди. Сиёсий музокараларнинг самараларини белгилаб бера оладиган тарозини ҳали ҳеч ким ўйлаб чиқаргани йўқ, албатта, деди Л. И. Брежнев. Аммо бир муҳим мезон бор, у ҳам бўлса, ҳамкорлик ва иноқликка бўлган ҳоҳиш-иродадир. Мен ўйлайманки, бундан илгариги учрашувларда бўлганидек бугал ҳам худди шундай ҳоҳиш-ирода мавжуд бўлди.

Базиятни соддалаштириб бўлмайди, албатта. Бизнинг нуқтаи назарларимиз тамомила турлича бўлган масалалар бор. Муҳими шундаки, биз ҳозир бир-биримизнинг позициямизни яхшироқ билиб олдик, деб уқтириб ўтди Л. И. Брежнев.

Шуни мамнуният билан қайд эта оламанки, деди сўзини давом эттириб Л. И. Брежнев, ўзаро мунносабатларга доир масалалар хусусида мамлакатларимизнинг тутган принципиал йўли Москва шартномасида белгиланганидек ўзгармай қолаверади. Халқаро ишларда ҳам ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, кескинликни юмшатиш йўлини давом эттириш истаги тўғрисида бу ерда равшан фикрлар айтилди.

Канцлер жаноблари, сиз, деди пировардида Л. И. Брежнев, биз бу ерда баён қилган мулоҳазаларни яна бир марта синчиклаб ўйлаб кўрарсиз, деган умидламан. Ўз навбатида биз ҳам сиз айтган мулоҳазаларни ўйлаб кўрамиз. Бизда таркиб топган тажрибага мувофиқ, келинг, мулоқотни яна давом эттираверайлик.

ГФР канцлери Г. Шмидт Л. И. Брежнев билан ва бошқа Совет раҳбарлари билан олиб борилган музокаралардан мамнун эканлигини изҳор қилди. Москвага қилган сафаримиздан кутган умидларимиз, деди Г. Шмидт, тамомила рўёбга чиқди. Ҳозирги халқаро вазиятда учрашиб ва гаплашибгина қолмай, балки ҳозирги фойдали музокараларда бўлганидек, равшан ва рўй-рост гапириш керак деган фикримизнинг тўғрилигини ҳам тасдиқлади. Канцлер кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорчилик билдирди.

* * *

Музокараларнинг якунлари тўғрисида қўшма ахборот келишиб олинди. Ахборот матбуотда эълон қилинади.

«Экономика ва саноат соҳасида СССР билан ГФР ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларининг узоқ муддатли программаси» имзоланди. Ҳужжатни СССРнинг ГФРдаги элчиси В. С. Семенов ва ГФРнинг СССРдаги элчиси Г.-Г. Вик имзоладилар.

(ТАСС).

Музокараларни бошлаш олдидан.

В. Мусаэльян ва В. Кузьмин фотоси (ТАСС).

СУРХОНДАРЁ ҒАЛЛАКОРЛАРИНИНГ МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Сурхондарё области қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия XXV съезди, КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми тарихий қарорларини амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, бу йил бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Уларни уюшқоқлик билан ўриб-йиғиб олдилар, давлатга бошоқли экинлар донн топшириш планини ошириб бажардилар. Ватан омборларига 20 минг тоннадан кўпроқ буғдой ва арпа тўкилди. Областнинг барча районлари дон харид қилиш планнн анча ошириб бажардилар. Ленин йўли, Гагарин, Шеробод, Сариосиё, Қумқўрғон ва Бойсун районлари давлатга энг кўп миқдорда дон сотдилар.

Ўнинчи беш йиллик мобайнида область давлатга 265 минг тонна дон сотди. Бу эса умумий тайёрлаш ҳажмига қараганда 1,4 баравар ортиқдир.

Гектар бошига 35—45 центнердан бошоқли дон ҳосили йиғиштириб олган Гагарин, Ленин йўли, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Шўрчи ва Термиз районлари хўжаликлари мўл ғалла ҳосили олишда катта муваффақиятларга эришдилар. Ленин йўли районидаги «СССР 50 йиллиги», Гагарин районидаги А. Набиев номли, Жарқўрғон районидаги «Сурхон», Денов районидаги «Сахарний тростник» совхозлари, Ангор районидаги Куйбишев номли, Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхозлари эса гектаридан 40—50 центнердан дон янчиб олдилар.

Ўрим-йиғим-транспорт отрядларининг юксак самарали иши ғаллани сифатли, қисқа муддатларда ва нест-нобуд қилмай ўриб-йиғиб олиш имконини берди. Ангор районидаги «Коммунизм» колхозидан Ю. Тошалиев, «Толимарон» совхозидан К. Абдуллаев, Термиз районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан И. Бекназаров, Жданов номли колхоздан Р. Уроқов каби ва бошқа кўпгина комбаннчилар ҳосил ўрим-йиғимида яхши ишладилар. Улар мавсумда суғориладиган ерларда 110—120 гектардан бошоқли дон экинларини ўриб-йиғиб бердилар.

Сурхондарё области галлакорлари эришган меҳнат ғалабаси колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассислари, тайёрлов ва транспорт ташкилотлари ходимларининг фидокорона меҳнати, бутун ўрим-йиғим конвейерининг пухта ишлашини таъминлаган партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ва тарбиявий ишларнинг натижасидир.

ДЕҲҚОН ЭҲТИЁЖИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Қишлоқда турмуш маданияти масалалари

Қишлоқда турмуш маданиятини янада яхшилаш тўғрисидаги масала коммунистик қурилишнинг муҳим соҳаларидан биридир. Инсоннинг тақдири, ҳаёти, истиқболи, шуниндек қишлоқ аҳолисининг маданияти ва турмуш эҳтиёжи масаласи КПСС ва Совет давлатининг ҳамиша диққат марказида бўлиб келмоқда.

КПСС XXV съезди қабул қилган партиянинг социал программасида қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ошириш муҳим ўрин эгаллаган. КПСС Марказий Комитетининг 1978 йил июль Пленуми эса бу проблема партия аграр сиёсатининг таркибий қисми эканлигини таъкидлаб, уни ҳал этишнинг йўли ва воситаларини кўрсатиб берди. «Биз, — деган эди Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев, — қишлоқда қурилиш ва қишлоқ меҳнаткашларининг маданий-маиший шароитларини яхшилаш сари янада кескинроқ бурилиш ясашимиз керак».

Областимиз экономикасида қишлоқ хўжалиги етакчи роль ўйнайди. Аҳолининг кўпчилиги қишлоқда яшайди. Шу боисдан ҳам қишлоқ турмушини қайта қуриш масалалари аҳоҳда аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари улкан мураккаб ишларни ўлга киритмоқдалар. Тўрт йил давомида давлатга 1 миллион 586 минг тонна пахта етказиб берилди. Ўтган йили 429 минг тонна пахта топширилиб, белгиланган план ва социалистик мажбуриятлар анча ошириб бажарилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта ютуқларга эришилди.

Қишлоқ турмуш маданиятини кўтариш кўп қиррали иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий масаладир. У колхоз ва совхозларнинг экономикасини ўстиришни ҳам, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялашни ҳам, қишлоқ меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир соҳасига айлантиришни ҳам ўз ичига олади. Бугунги кунда областимизда 12 мингдан ортиқ қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқарадиган малакали кадрлар бор. Комплекс механизациялашни кенг жорий қилиш деҳқонларимизнинг билим ва маҳоратини ошириши, меҳнатни тўғри ташкил этишни ва, кенг маънода айтганда, қишлоқда турмуш маданиятини оширишни тақозо этади. Ўз-ўзидан маълумки, биз умумий ўрта таълимни жорий қилмай, ҳунар-техника таълими системасини ривожлантирмай туриб, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшиламасдан, яъни хуторларни тугатмай, замонавий поселкаларни вужудга келтирмай туриб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига комплекс механизацияни тўла жорий қила олмаймиз.

Ана шуларни ҳисобга олиб, область партия комитети КПСС XXV съездининг кўрсатмалари асосида қишлоқда турмуш маданиятини янада юксалтириш юзасидан қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу масала область партия комитетининг пленумида муҳокама этилиб, партия ташкилотларининг бу боралаги ишлари активлаштирилди. Шунинг дек, область ва район партия комитетларининг бюро мажлисларида, маҳаллий Советларнинг сессияларида, ижроком мажлисларида кўрилиб, тегишли тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Область ва район партия комитетлари ҳузурида, айрим колхоз ва совхозларда тузилган қишлоқда турмуш маданияти масалалари билан шуғулланувчи кенгашлар ва комиссиялар актив фаолият кўрсатмоқдалар. Партия комитетлари бу масалани ҳал қилишда биринчи галда хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бермоқдалар. Бу ўз навбатида қишлоқларда маданий-маиший объектлар қурилишини кенг жабҳа бўйлаб қулоч ёйдириш, обод ва гўзал посёлкалар бунёд этишга имкон яратмоқда.

Эндиликда областимизнинг деярли барча районларида замонавий ўй-жой бинолари бўлган электр, газ ва водопровод ўтказилган, клуб, кутубхона, мактаб, маиший хизмат комбинати, даволаш муассасалари ва спорт иншоотлари бўлган, типовой лойиҳа асосида қурилган, шаҳарни эслатувчи посёлкалар мавжуд. Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли, Боғот районидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Нариманов номли, Янгиариқ районидаги Киров номли, Гурлан районидаги Алашер Навоий номли ва бошқа кўпгина колхозларда ҳамда Хонқа районидаги Алҳоразмий номли совхозда амалга оширилаётган ишлар айниқса ибратлидир. Бу хўжаликларнинг посёлкалари Бутуниттифоқ кўрик-конкурсида ғолиб чиқиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг дипломи билан тақдирланди.

Шовот район партия комитети ва район Совети ижроия комитети қишлоқларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш, хонадонларда турмуш маданияти масалаларини кенг пропаганда қилиш бўйича ойликлар ўтказмоқда. Район марказида маданият ва истироҳат боғи бунёд қилинди.

Областимизнинг кўпчилик хўжаликларида ободонлаштириш, хутор системасини тугатиш, замонавий поселкалар, маданий-маиший биноларни барпо этиш ишлари жадал бормоқда. Ҳозиргача областда 21 колхоз ва совхоз водопровод суви билан таъминланди, 25 хўжалик хонадонларига табиий газ ўтказилди, яна 14 хўжаликка водопровод, 29 хўжаликка газ ўтказиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида қишлоқларда 242 километр узунликда йўллар қурилди. 30 та хўжаликда 2050 номерли автомат телефон станциялари ишга туширилди. Областда маиший хизмат кўрсатиш ҳажми ва маданияти йил сайин ошиб бормоқда.

Қишлоқ меҳнаткашларининг ўсиб бораётган талабларини қондириш, маданий ва маиший турмуш даражасини оширишда савдо ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Ҳозир савдо хизматини яхшилаш, унинг маданиятини ошириш бўйича кўпгина ишлар қилинянти. Аҳолига 676 магазин хизмат кўрсатаяпти. Ўтган йили янгидан 22 та савдо магазини ишга туширилди. Қишлоқ магазинларини ихтисослаштириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатадиган савдо тоҳчалари сонини кўпайтиришга эътибор кучаймоқда.

Партия ва совет ташкилотларининг бевосита раҳбарлиги туфайли областимизда соғлиқни сақлаш муассасаларининг тармоқлари кенгайди, моддий-техника базаси мустаҳкамланди. Тўрт йил давомида ана шу мақсадларга 10 миллион 560 минг сўмлик капитал маблағ ажратилди. Кўшкўпир районида поликлиника ва касалхона, ихтисослаштирилган 2-область болалар касалхонаси ишга туширилди. Хонқа, Гурлан, Янгиариқ районларида қатор касалхоналар реконструкция қилинди. Қишлоқ участка касалхоналари малакали медицина ходимлари билан мустаҳкамланди.

Қишлоқ меҳнаткашларини тарбиялашда, уларнинг турмуш маданиятини оширишда, актив ҳаётий позициясини шакллантиришда умумтаълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, таълим-тарбия самарадорлигини оширишга, коммунистик эътиқодли, юксак маданиятли, меҳнатсевар кишиларни тарбиялашга жуда катта эътибор билан қаралмоқда.

Қишлоқларда 2 миллион 300 минг нусха китоб фондига эга бўлган 219 та кутубхона, шунингдек, 388 та клуб ишлаб турибди. 306 мингдан ортиқ киши қишлоқ кутубхоналарининг доимий ўқувчиларидир. Қишлоқ маданият уйлари ва клубларидаги 520 бадиий ҳаваскорлик тўгарагига 8500 дан зиёд йигит-қиз қатнашади.

Лекин олдимизда ҳал қилиниши зарур бўлган кўпгина вазифалар турибди. Биргина хутор системасини тугатиш масаласини олайлик. Кейинги тўрт йил ичида хуторларни тугатиш бирмунча жонланган бўлса-да, аҳоли учун перспектив, замонавий услубда қурилган, барча қулайликларга эга бўлган поселкалар бунёд этиш ишлари қониқарсиз бормоқда. Бу иш, айниқса Ҳазорасп, Гурлан, Кўшкўпир районларида ёмон аҳволда. Ҳазорасп районининг қатор хўжаликларида ҳозир ҳам хуторларда иморат қуришга йўл қўйилмоқда.

Хива районидаги Беруний номли колхознинг «Журён» марказий поселкасида уй-жойлар поселкага кириб келувчи қинғир-қийшиқ йўллар четига қурилган.

Савдо ташкилотларининг фаолияти ҳам камчиликлардан холи эмас. Қишлоқ жойларида савдо тармоқлари секинлик билан кенгаймоқда, ихтисослаштирилган магазинлар сони кам, қишлоқ меҳнатчилари учун қурилиш материаллари билан савдо қилиш яхши йўлга қўйилмаган.

Умумий овқатланиш ташкилотларига қарашли ошхоналар, буфетлар, кафеларда таомларнинг ассортименти кам. Сифати талаб даражасида эмас.

Колхоз ва совхозлар маблағи ҳисобига кейинги тўрт йил мобайнида 5600 ўринли боғча-ясли қурилиб, ишга туширилиши керак эди. Бироқ, етарли имкониятлар бўлишига қарамай, тегишли ташкилотларнинг айби билан белгиланган план зўрга 40 процентга бажарилди. Янгиариқ, Гурлан, Қўшкўпир районларида болалар муассасалари қурилиши планлари сурункасига бажарилмай келяпти.

Қишлоқ меҳнаткашларига кино хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш лозим. Кўпчилик хўжаликларда ёзги ва қишки кино заллари йўқ.

Район партия комитетлари, район Советлари ижроия комитетлари, область маданият ва кинолаштириш бошқармалари ва уларнинг жойлардаги бўлимлари маданий-оқартув муассасалари ишини яхшилаш, янги клублар, кутубхоналар, кинотеатрлар қурилишини тезлаштириш билан жиддий шуғулланишлари даркор.

Қишлоқ маданиятини қайта қуришда зиёлиларимизнинг роли бениҳоя катта. Ўртоқ Л. И. Брежнев таъбири билан айтганда, қишлоқ зиёлиси — бу оддий ўқитувчи, агроном, экономист, инженер эмас. Улар, умуман, қишлоқ маънавий ҳаётининг даражасини белгилайдиган кишилардир.

Мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг барча босқичларида социалистик тузумга хос нарса — шаҳарнинг қишлоққа оталиги мустасил ривожланиб келмоқда. Ҳозир ҳам ана шу анъанавий ҳамкорлик қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, қишлоқ турмуш маданиятини оширишга самарали таъсир кўрсатиб келяпти.

Меҳнаткашларнинг мазмунли дам олишини ташкил этишда маданий-оқартув муассасаларининг ролини ошириш, уларнинг иш фрамаларини ранг-баранг қилиш, қишлоқ меҳнатчиларини бўш вақтни мазмунли ўтказишга ўргатиш, клублар, кутубхоналар, кино-театрларнинг аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш ишига қўшаётган ҳиссасини янада кўпайтиришни муҳим вазифа деб биламиз.

Айрим кишилар онгида сақланиб қолган диний қарқитларни тугатиш, социалистик турмуш тарзимизга бутунлай ёт қўринишларга қарши курашни кучайтириш, аҳолининг турмуш маданияти бўйича тузилган кенгашларнинг, маҳаллий Советлар доимий комиссияларининг фаолиятини активлаштириш, совет турмуш тарзини, янгича урф-одат ва анъаналарни пропаганда қилиш ишларини яхшилашимиз лозим.

КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми, ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Бауман сайлов округи сайловчилари билан бўлган учрашувда сўзлаган нутқида, шунингдек, Узбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларида ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йили вазифалари, уларни бажариш йўллари белгилаб берилди. Қишлоқ турмуш маданиятини кўтариш ана шу топшириқларнинг бажарилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

С. ҚУРБОНОВ,
Хоразм область партия комитети секретари.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

Ўрта Осиё темир йўли коллективи хом ашё материаллари, иссиқлик-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун бошланган Бутуниттифоқ кўригида фаол қатнашмоқда. Тошкент локомотив депосининг касаба союз комитети таниқли машинист К. Матвеевнинг йиллнинг сўнгги ойида иқтисод қилинган ёқилғи ҳисобига ишлаш ҳақидаги ташаббусини кўриб чиқиб, қўллаб-қувватлаган эди. Бу ташаббус коллективда кенг қулоч ёйди. Натижада локомотивчилар социалистик мажбуриятларда белгиланганидан тўққиз марта кўп — 300 тонна ёқилғи тежашга эришишди. Ўрта Осиё темир йўли бошқармасида меҳнат қилаётган барча локомотивчилар эса 19 минг тоннадан зиёд ёқилғини иқтисод қилишди. Бунга Андижон, Тошкент, Қўқон ва Қарши деполарининг коллективлари муносиб улуш қўшдилар.

* * *

Хонқа районидаги Охунбобоев номли колхознинг маданият саройида тез-тез қизиқарли тадбирлар уюштирилянти. Саройда 700 ўринли томоша зали, 5230 том китобга эга бўлган кутубхона мавжуд. Турли бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда. Маданият университети ва коммунистик меҳнат мактабида қишлоқ меҳнаткашларидан 400 нафари шуғулланмоқда. Энг яхши ишлаб чиқариш илғорларидан пропагандистлар группаси тузилган. Группа КПСС ва Совет ҳукуматининг ленинча ички ва ташқи сиёсати, қишлоқ хўжалигининг актуал масалалари юзасидан лекция ва суҳбатлар ташкил этмоқда.

* * *

Узбекистондаги корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларида 8 мингдан зиёд ўртоқлик судлари тузилган. Уларга меҳнат коллективларида ҳурмат ва эътибор тошган 42 минг нафар киши сайланган. Ўртоқлик судларининг самарали иш олиб боришлари натижасида В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш» заводи, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат интизомининг бузилиши ҳолларига бир мунча чек қўйилди. В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тузилган ўртоқлик судлари томонидан амалга оширилган қатор тадбирлар туфайли меҳнат интизомининг бузилиши ҳоллари бир йил ичида 37 процентга камайди. Бирлашмага қарашли кўп корхоналарда эса меҳнат интизомини бузувчилар умуман йўқ.

* * *

Узбекистонда саёҳатлар мавсуми бошланди. Фарғона водийси шаҳарлари, Тошкент — Бухоро, Узбекистоннинг диққатга сазовор жойлари маршрутлари бўйича туристик экскурсиялар ва саёҳатлар бошланди. Ҳар бир саёҳатда ҳам республикамизнинг ўзига хос табиати, меъморчилик ёдгорликлари, янги қурилишлари билан таништирилмоқда. Дам олувчилар ва саёҳат ишқибозларига 19 та меҳмонхона, туристик база ва кемпинглар намунали хизмат кўрсатмоқда.

Яқин вақт ичида бундай иншоотлар қаторига Тошкент ва Самарқандда қурилаётган янги меҳмонхоналар ҳам қўшилади. Шунингдек Бухоро, Урганч шаҳарларида туристик комплекслар, Фарғона ва Сирдарёда туристик базалар қуриш кўзда тутилмоқда.

КПСС XXVI съезди шарафига «Йиллик план — 7 ноябрга!» шиори остида меҳнат қилаётган Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикаси коллективи бу йил аҳолига 2 миллион 820 минг жуфт болалар, аёллар ва эркаклар пойафзаллари ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Суратда: корхона учинчи цехининг илғор ишчиси Тоҳира Абдураимова. У ҳозир ўн биринчи беш йиллик ҳисобига меҳнат қилмоқда.

И. Глауберзон фотоси.

ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАР — НАЗОРАТДА

НАВОИЙ «ҚУЁШИ»

РЕПОРТАЖ

Булутларга етгудай, кўкка тиқдек санчилган олачипор минора тепасида учқун чақнаяпти. Бир юз саксонинчи метр баландликда худди бургутдек чирмашиб олган, қирмизи каскасини пешонасига бостириб ниманидир пайванд қилаётган довюрак йигитнинг ҳеч ким билан иши йўқ. Пастда эса, унинг ҳар бир ҳаракатини ўнлаб кўзлар синчковлик ва ҳаяжон билан кузатиб туришибди.

— Отасига балли! — деди бир мўйсафид чўққи соқолини вазмин силаб. — Бу юракни у қаердан олган экан-а?!

Гапга арматура кўтарган зуваласи пишиқ, кўзларида қувонч ва фахр ёлқинланиб турган ўрта яшар киши аралашди.

— Олегни айтяпсизми, отахон? У юракни бригадиримиз Кондрат Яковлевичдан олган. Ху, ана, автокран ёнида ҳайкалдек қотиб минорадан кўз узмай турибди, ўзиям.

11-блок муваффақиятли қурилиб, ишга туширилаётган шу қизғин дамларда монтажчилар ва созловчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қудратли турбиналар ҳаракатга келадиган кун тобора яқинлашиб келяпти.

Энергоблок бош корпусида сўнгги ишлар бажарилмоқда. Меҳнат симфонияси авжида. Иш уч сменада ташкил этилган. «Средазэнерго-монтаж» трестининг қурилиш участкаси бунёдкорлари энергоблок юраги — турбиналарни ўз муддатида қўлдан чиқаришди. Бу турбиналарни ленинградлик мутахассислар тайёрлашган. Уни монтаж қилишда мамлакатимизнинг турли шаҳарларидан — индустрия марказларидан келган инженерлар, техниклар, монтажчилар иштирок этишди. Бу ерда Олмаота, Фрунзе, Ленинград ва Павлодар ўлкасидан келган мутахассислар айниқса катта жасорат кўрсатишди. А. Портной, Г. Зернюков, А. Олюшин каби қўли гул монтажчилар ўзларига ишониб топширилган вазифаларни муддатидан 10—15 кун илгари адо этишди. Бугунча қурилиши ҳам барвақт тугалланди. Бунда навоийлик нурчиларга Сирдарё ГРЭСи қурилишидан келган бунёдкорлар яқиндан ёрдам кўрсатишди. Эрифат Уланов бошлиқ бригада қурувчилари буғ қозонларини сифатли монтаждан чиқаришди. Мастер Наримон Авезов, Николай Киселёв, Юрий Кукушкин, Владимир Андреевлар фидокорона меҳнат қилишди.

Яқинда 11-блок қурилиши штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб, унда энг сўнгги вазифалар, созловчилар олдида турган жанговар ишлар муҳокама қилинди. Энергоблокни тантанали равишда ишга тушириш учун пухта тайёргарлик кўриш, монтаждан чиқарилган, созланган ускуналарни тағин бир синчковлик билан назоратдан ўтказиш топширилди.

— Нурхона бунёдкорлари яна бир зафарни қўлга киритдилар, — дейди Навоий қурилиш бошқармаси бош инженери Ўринбосари В. Уфимцев. — Республикамиз энергетикаси тарихида олтин сатрлар билан ёзиб қўйишга арзийдиган катта ҳажмдаги иш бажарилди. Энергоблоклар сафига яна бир қудратли блок қўшилди. Лекин қурувчиларимизни янги улуғвор вазифалар чорлаб турибди. Ўн биринчи блок ёнида 12-энергоблок комплексини бунёд этишимиз, Навоий «қуёши» қувватини бир ярим баравар оширишга эришмоғимиз лозим. Зафар сизга ёр бўлсин, нурчилар!

Х. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЙИЛЛИК ПЛАН — 7 НОЯБРГАЧА

ЗАРБДОР ВАХТАДА

Навоий пахта тозалаш заводининг меҳнат аҳли КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми ва ўнинчи чақириқ СССР Олий Советининг III сессияси қарорларини зўр мамнуният билан кутиб олди. Инженер-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар партиямизнинг кўрсатмаларига мувофиқ беш йиллиннинг якунловчи йили топшириқларини барвақт бажариш учун курашмоқдалар. Корхонанинг ҳар бир ишлаб чиқариш участкасида самарадорлик ва сифатга эътибор кучайтирилиб, иш суръати кун сайин оширилянти.

Партиямизнинг навбатдаги XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган завод ишчилари йиллик планга қўшимча равишда ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди. Корхонада беш йиллик зарбдорлари жуда кўп. Уларнинг аксарияти йиллик планни муддатидан илгари бажариб бўлишган. Р. Ходиев ва Р. Иброҳимов етакчилигидаги бригадалар аъзолари эса, ярим йилликда ўн ойлик программани адо этиб мусобақада пешқадамлик қилишянти.

НУРЧИЛАР ЮТУҒИ

Жиззах областидаги Маржонбулоқ кон-руда комплексининг кўз илғамас қурилиш майдонларига янги тортилган электр линиясидан кучли ток юборилди. Бу ерда йирик корхона ишга туширилади.

«Средазэлектросетьстрой» трестининг меҳнаткашлари бу ишни амалга оширдилар. Ишлар аниқ белгиланган муддатда адо этилди. Янги электр линиясидан юборилаётган энергия туфайли қурилаётган корхонада ишлаб чиқариш қувватларини созлаш ва уларни ўзлаштириш жадаллаштириш имкони туғилди.

ФАН—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ХАЗИНА ҚАЛИТИ

Ҳозирги пайтда республика Геология министрлиги, Фанлар академиясига қарашли кўплаб йирик бирлашмалар, бешта илмий-текшириш институти ҳамда Тошкент давлат университети ва Тошкент политехника институтининг геология факультетларида. Ер соҳасидаги илмлар бўйича самарали илмий-тадқиқот олиб борилмоқда. Геологларимиз очган ва ишга туширган конлар атрофида ўнлаб шаҳарлар, посёлкалар қад ростлади. Ангрен, Олмалиқ, Шарғун, Муборак, Лангар, Қўйтош, Ингичка, Зарафшон каби шаҳар ва шаҳарчалар бунга мисол бўла олади. Юзлаб комбинат, завод, фабрика, корхоналар бунёдга келди ва келмоқда.

Олимларимизнинг республикамиз ва Иттифоқимиз халқ хўжалигини ҳамда экономикасини ривожлантиришга қўшаётган салмоқли улуши йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, нодир ва ранглі металлар ишлаб чиқариш, нефть ва газ саноатини ва қурилиш материаллари саноатида бу, айниқса, яққол сезилмоқда. Геологларимиз халқ хўжалигини тоза ер ости сувлари билан таъминлашда, зилзила жараёнларини атрофлича ўрганишда ҳам катта иш қилдилар.

Геологларимиз минерал ва хом ашё конларининг маълум турларинигина ўрганиб қолмай, авиценнит, бирунит каби янги минераллар ва конларни кашф этдилар.

Ўз-ўзидан маълумки, жамият тараққиёти ҳам, айрим фанлар тараққиёти ҳам муаммоларсиз ва қийинчиликларсиз кечмайди. Ер соҳасидаги илмлар ҳам бундан мустасно эмас. Ҳозирги замонда бутун инсоният олдида турган муҳим муаммолар табиатнинг мувозанатини ва атроф-муҳитнинг тозалигини сақлаб қолиш, инсониятни тоза сув билан таъмин қилиш, табиий ёқилғилар (айниқса, нефть) ва етарли минерал хом ашёлар билан таъминлашдир. Республикамиз ва Ўрта Осиё шароитида ишлаб турган ва қурилаётган рангли маъдан, хусусан вольфрам саноати корхоналарини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш, янги нефть, газ ва бошқа хил конларни топиш ҳамда мавжуд конларни ер қаъридан мумкин қадар тўлароқ чиқариб олишни йўлга қўйиш шу кунги муҳим вазифалар жумласига киради.

Ҳозирги пайтга келиб осон топиладиган ва ер юзасида ётган конлар сони қарийб тугаган. Эндиликда янги ер ости бойликларини топиш учун ёшириниб ётган конларни прогноз қила билиш ва топилган конлардаги хом ашёни мумкин қадар тўлатўкис чиқариб олиш муаммосини ҳал қилиш вазифаси турибди. Масалан, ҳозирги мавжуд техника воситалари ер қатламларидаги нефтнинг атиги 50 процентини чиқариб олишга имкон беради. Рангли ва нодир металлар конларида эса баъзан 20—30 процентгача маъданлар ё ерда қолиб кетади, ёки чиқиндиларга қўшилиб кетади. Шу билан биргаликда миқдори озлиги ёки технологияси яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли бошқа анчамунча фойдали маъданлар ҳам олинмасдан қолиб кетади. Мавжуд конлардан комплекс равишда фойдаланиш масаласига КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларида алоҳида тўхталиб ўтилган эди. Бу соҳада Олмалиқ кон-металлургия комбинати анча яхши муваффақиятларга эришмоқда. Бироқ бошқа бир қатор конларда маъданларни комплекс равишда тўла-тўкис чиқариб олиш дурустгина йўлга қўйилмаган. Танкис минерал хом ашё муаммосини ҳал қилишда яна икки йўл бор. Бири хом ашё конларининг янги турларини топиш ва саноатга жорий этиш, иккинчиси эса маъдани кам руда ва тоғ жинсларидан керакли маҳсулотларни чиқариб олишни йўлга қўйиш ва шу йўсин баъзан запаслари бе-ҳисоб кон районларини ўзлаштиришдир. Албатта, бу тез ва бирдан ҳал этиладиган муаммо эмас, бироқ яқин келажакда ҳал этиш мумкин бўлган масаладир. Машҳур геохимик олим, академик А. П. Виноградов Ер тўғрисидаги фанларнинг техника тараққиётидаги ролини баён этар туриб, шундай деб ёзган эди:

«Агар биз хиёл олдинроққа назар ташласак, олимларимизнинг ва айниқса, Ер илмлари соҳасидаги олимларнинг яқин келажакда юз берадиган техника тараққиётини таъмин этишдаги буюк масъулиятини тушунамиз. Бу масъулиятни адо этишга Ер соҳасидаги фанлар ҳозирдан тайёрланишлари зарур».

Ўзбекистон олимлари, шу жумладан республика Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти коллективи юқорида айтилган вазифа ва мақсадларни кўзда тутган ҳолда илмий-тадқиқотлар олиб бормоқда. Бу борада маълум муваффақиятларга эришди ҳам. Бизда бевосита амалий вазифаларни бажариш билан бир қаторда фундаментал, назарий масалалар устида ҳам диққатга сазовор иш олиб борилмоқда.

Ер қаъридаги фаннинг ҳозирги даврдаги назариясида ечилмаган жумбоқлар бошқа фанларникидан кам эмас. Ер қитъаларининг силжиш ёки силжиманслиги, тоғларнинг ўсишига ва фойдали қазилмаларнинг тақсимланишига сабаб бўладиган омиллар, Ердаги ички энергияларнинг манбалари ҳамда юзада содир бўладиган геологик жараёнларга уларнинг таъсири, ер қимирлашнинг вақтини ҳамда жойини олдиндан белгилаш шундай муаммо ва жумбоқларнинг энг муҳимларидан дейиш мумкин. Улар муваффақиятли ҳал этилишининг асосий йўли Ўрта Осиё ва қўшни ўлкаларда Ер қобиғи ва мантиясини комплекс усуллар билан текширишдир. Шундай текширишлардан бири 1974—1979 йилларда халқаро Помир — Ҳимолай лойиҳаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар эди. Ушбу газета саҳифасида бир неча бор ёзилганидек, СССР, Италия, Ҳиндистон ва Покистон қамқорлигида олиб борилган «Помир эксперименти» деб аталган бу тадқиқотларга бизнинг институт мамлакатимиз вакили сифатида етакчилик қилди. Тадқиқотлар кутилган назарий натижалар беришгина қолмасдан, бир қатор янги конларни топиш ва уларни тўғри баҳолаш имконини ҳам берди.

Геология фани ҳам янги беш йилликларга қадам ташлашга чоғланяпти. Барча илмий-текшириш муассасалари қатори институтимиз коллективи ҳам келгуси тадқиқотларнинг режаларини тузаётирлар, фанни ишлаб чиқариш билан яқинлаштириш йўлида жонбозлик кўрсатаётирлар. Сўзсиз, бу тадқиқотлар ҳам фанимиз тараққиёти ва халқ хўжалиги равнақига муносиб ҳисса бўлиб қўшилажак.

И. ҲАМРОБОЕВ,
Узбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти директори, Ленин мукофоти лауреати, республика Фанлар академиясининг академиги.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«ОЗУҚА ТАЙЁРЛАШГА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР»

«Сурхондарёда кўп йиллик ўтлар ем-хашак тўплашда асосий экин ҳисобланса-да, айрим районларда бундай ўтлар етиштириш йил сайин камайиб кетмоқда. Масалан, 1980 йилда беда экиладиган майдонларни ўтган йилгига нисбатан Гагарин райони 82, Денов райони 123, Жарқўрғон райони 536, Қумқўрғон райони 274, Сариосиё райони 347, Шўрчи райони 324 гектарга камайтириб юборди. Область бўйича бу кўрсаткич 2912 гектарни ташкил этмоқда. Бу эса чорва учун етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаш бўйича олинган юксак вазифаларнинг ҳал этилишини ҳавф остига қўймоқда»,—дейилади газетанинг шу йил 10 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали мақолада.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ редакцияга шундай мазмунда жавоб йўллаган:

—Область партия комитети «Озуқа тайёрлашга жиддий эътибор» сарлавҳали мақолада баён этилган фактларни тўғри, ҳаққоний ва ўз вақтида ёритилган, деб ҳисоблайди.

Мақола область партия комитети бюросида муҳокама қилинди. Бюро барча район партия комитетларига, район Совети ижроия комитетларига, область ва районлар қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаларига, қорақўйчилик совхозлари трестига «Совет Ўзбекистони» газетасида босилган мақолани муҳокама қилишни ҳамда ем-хашак тайёрлаш ва уни сақлашда камчиликларга йўл қўйган шахсларни қаттиқ жазолашни топширди.

Шунингдек, озуқа тайёрлаш масаласи қишлоқ хўжалик ходимлари мажлисида ҳам кўриб чиқилди. Бу мажлисда район партия комитетларининг биринчи секретарлари, район Совети ижроия комитетларининг раислари, барча колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, зооветеринария мутахассислари, хўжаликлараро чорвачилик корхоналари раҳбарлари ва район ҳалқ контроли комитетлари раислари иштирок этишди.

Кўрсатиб ўтилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш ҳамда озуқа тайёрлаш суръатларини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Тайёрланадиган ем-хашак сифати анча яхшиланди. Дала хашак тайёрлаш суръати ошди. Барча ўрим агрегатлари ишга туширилди.

Озуқа тайёрлаш, унинг сифатини ошириш область партия ташкилотларининг доимий назоратида турибди.

КПСС Марказий Комитети 1980 йил июнь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!

ГЕКТАРИДАН — 60 ЦЕНТНЕР

ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Ўтган йили гектаридан 52,2 центнердан пахта хирмони кўтарилган эди, якунловчи йилда ҳосилдорлик 60 центнерга етказилади, давлатга 11 минг тонна пахта сотилади, пахтанинг 75 процента «зангори кема»ларда терилади, ғўза парвариши терим бошлангунча давом эттирилади, техника мавсумга шайлаб қўйилди.

КПСС Марказий Комитетининг июнь (1980) йил Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги илҳомбахш докладини ғоятда қизиқиш билан ўқиб чиқдик, хўжалигимизнинг ўтган тўрт йилдаги фаолиятини танқидий тарзда таҳлилдан ўтказдик, якунловчи йил топшириқларини ҳамма турлари, миқдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари бажаришга қаратилган тадбирлар белгилаб чиқдик, уни изчиллик билан амалга оширяпмиз.

Шуни айтмоқчимизки, пахта, сут, гўшт, дон, пилла ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш юзасидан белгиланган беш йиллик план топшириқлари ҳамма турлари бўйича муддатидан илгари бажарилибгина қолмасдан, она-Ватанга планга қўшимча 25—30 процент миқдорида, айрим тармоқлар бўйича 50 процентгача сифатли маҳсулотлар етказиб берилади. Пилла, дон ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш тўрт йиллик планларининг анча ошириб адо этилиши, айниқса пахта етиштиришнинг кўпайтирилиши шундан далолат беряпти.

Масалан, ўтган йилнинг ўзидагина халқ хўжалик планига қўшимча 2 450 тонна пахта тайёрланди. Пилла, дон тайёрлаш беш йиллик планлари анча ортиғи билан бажарилди. Яна 5 минг тонна пахта топширсак беш йиллик планни адо этамиз. Азамат пахтакорларимиз якунловчи йилда 11 минг тонна «оқ олтин» етиштиришга азму қарор қилганлар. Шу кунларда ғўза парвариши жадаллик билан олиб бориляпти.

Якунловчи йилнинг пахтачилик соҳасидаги вазифалари нималардан иборат? Ҳозиргача нима ишлар қилинди, эндиги муҳим масалалар нималардан иборат? Мен шуларга тўхталиб ўтмоқчиман.

1848 гектар майдонда ғўза ўстиряпмиз, тўртинчи комплекс парваришдан чиқарилган ғўзаларимиз ёппасига гуллаб, кўсаклаяпти, ҳар туп ғўзада уч-тўрттагача кўсак бор. Ғўзаларнинг ҳосил тўплаши бултургидан 15—20 кун олдин боряпти. Лекин бу билан қаноатланишимиз мумкин эмас. Сабаби, халқ хўжалик планида белгиланган 7015 тонна ўрнига 11 минг тонна юқори сорт пахта етиштиришимиз керак, юқори партия ташкилотларига шундай деб ваъда берганмиз. Ундан ташқари қарийб ўн йилдан буён ҳосилдорликда районимиз, областимиздагина эмас, балки республикамизда ҳам олдинги ўринлардан бирини эгаллаб келяпмиз, шуҳратни қўлдан бой бермаслигимиз шарт.

Колхозимизнинг 20 та пахтачилик бригадасидан 14 таси гектаридан муттасил 52 — 56 центнердан ҳосил оляпти. Лекин олтита бригадада ҳосилдорлик 45—50 центнерда қоляпти. Илғорлар ҳақида гап борганда ҳосилдорликни 55—56 центнергача етказган, 63—65 центнерга кўтариш учун курашаётган Эшмўмин Ҳасанов, Турсун Шомуродов, Миркомил Камолов, Темир Элмуродовлар бошлиқ бригадаларнинг номини фахр билан тилга оламиз. Колхозимизнинг олтита нисбатан камҳосилли бригадаларини илғорлар даражасига кўтарсак, қўшимча 253 тонна пахта оламиз. Асосий эътиборни шунга қаратяпмиз. Ўша бригадаларимизга қўшимча сув, ўғит, техника воситалари ажратдик, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиладик, сувчилар, кетмончилар, механизаторлар жонбозлик кўрсатиб ишлаяптилар. Якунловчи йилда колхозимиз бўйича 55 центнердан кам ҳосил олган бирорта бригада бўлмайди. Асосий шиоримиз шундай, шунга лойиқ ишлар қилиняпти.

Масаланинг яна бир муҳим томони бор, бунда гап етиштирилаётган пахтанинг таннархини камайтириш устида боради. Бултур бир центнер пахтанинг таннархи 42,47 сўмга тушди. Бизнингча, бу анча қиммат. Таннархни шу йилнинг ўзидагина 10 сўмгача камайтиришимиз мумкин. Бунинг учун культивация, чопиқни ғоятда сифатли ўтказмоғимиз, ҳар литр сув, ҳар килограмм ўғитдан оқилона фойдаланиб, самарадорлигини оширмоғимиз керак. Суғоришдан кейин ер етилиши билан чуқур ўтказилган культивация, кетмон чопиғи яхши натижа беради, шу кунларда қатор ораларига солинган ўғитлар самараси яхши бўлади. Биз 15 июлгача ғўзаларга йиллик ўғит нормасини тўла берамиз, кейин органик ўғитларни қатор ораларига «шарбат» усулида оқизамиз.

Механизаторларимиз бир вақтнинг ўзида икки-уч хил иш бажармоқдалар. Культивация пайтида қатор ораларига ўғитлар солиняпти, сув тарашга эгатлар олиняпти, ҳашаротларга қарши дорилар сепиляпти. Тупроқ майин сақланиши натижасида қатламга қуёш нури, ёруғлик яхши сингиб, ғўзалар серҳосил бўляпти.

Шу ўринда ғўзаларни суғориш масаласига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Июнь ойининг биринчи ярида сув сероб бўлди. Ғўзаларни икки марта, айрим бригадаларда ўсимликнинг ҳолатини ҳисобга олиб уч марта сувга қондирдик. Лекин ойнинг иккинчи ярмида оқар сув камайиб қолди, ғўзаларнинг сувга бўлган талаби эса кескин ошди. Шуни унутмаслик керакки, июль ойида ғўзалар бир марта сувдан қолдирилса, 35—40 процентгача ҳосил нишоналарини тўкиб юборади. Бунга асло йўл қўйиш мумкин эмас. Биз вазиятни ҳисобга олиб, мавжуд сувни бригадаларарО тақсимлаб чиқдик, сувчилар сонини 120 кишига кўпайтирдик, суғориш кеча-кундуз бир меъёрда ўтказиляпти, ҳар литр сув ҳисобда бўляпти, сув исрофгарчилигининг барча каналлари бутунлай беркитиб ташланди, правление ва партия ташкилоти аъзолари, мутахассислар суғориш устидан назорат олиб боряпти. Бир литр сувдан икки-уч литр сувнинг нафини кўришни бош вазифа қилиб қўйдик. Исмат Абдурасулов, Исмат Умиров, Файзи Ерқулов, Шоди Бобоқулов, Доноқул Рашидов сингари уста сувчиларимиз оз сув билан катта майдонларнинг ғўзаларини қондириб суғориб, ҳаммага ибрат кўрсатмоқдалар.

Суғоришдан кейин намни сақлаб қолиш шарт. Бунинг учун чопиқ тракторларининг ишчи органлари мукаммал бўлгани ҳолда сифатли культивация ўтказиш катта аҳамиятга эгадир. Ғўзаларнинг бўғизига тортилган тупроқ эса кетмон ёрдамида юмшатиляпти. Шуни айтиш керакки, 1848 гектар пахтаримизда бирорта бегона ўт йўқ. Бу катта ютуқ, пахтадан кўп ва юқори, эртапишар ҳосил етиштиришнинг муҳим шарти. Бундан кейин ҳам бегона ўтларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаймиз.

Ҳозир ғўза парваришида шундай дақиқалар бошланди, ўсимликни яхши парваришлаш йўли билан юқори ҳосилга пухта замин яратиш мумкин ёки бепарволикка йўл қўйилса ҳосил нишоналари тўкилиб кетиши ҳам мумкин. Бугун ҳамманинг ўрни далада бўлмоғи, ҳар туп ўсимлик кўз қорачиғидек асралиб, меҳр билан парваришланмоғи зарур. Бу йил пахтадан фақат юқори ҳосил етиштириш билан чекланиб қолмасдан сортининг аъло бўлишини ҳам таъминлашимиз керак. Бундай дейишимга асос бор. Ҳарорат етарли бўляпти, ўсимликнинг ўсиш, ривожланиши яхши, қишлоқ хўжалик зараркунандалари, ҳашаротлардан асраяпмиз. Яна такрор айтиш керакки, эндиги муҳим вазифа мавжуд ҳосил нишоналарини тўла сақлаб қолиш, гулларни кўсакларга тезроқ айлантириб, кўсакларнинг барвақт очилиши ва салмоқдор бўлишини таъминлашдан иборат. Июль ойида ҳар туп ғўзада ўртача 14—15 та тўқ кўсак бунёдга келтириш бош вазифамиздир.

Биз бободеҳқонлар, мутахассислар, бригада бошлиқлари билан маслаҳатлашиб, июль ойида ҳамма майдонларда ўч марта комплекс парвариш ўтказишни лозим топдик, шу асосда графиклар тузилиб, бригадаларга тарқатилди. Идора аппарати ходимларидан тортиб, иккинчи даражали ишлар билан банд бўлган кишилар — ҳамма ғўза парваришига сафарбар этилди. Июль ойида зўр ғайрат билан меҳнат қилсак, техника қудратидан максимал даражада фойдалансак, ҳамма майдонларда мажбуриятимизни қондайдиган даражада юқори ҳосил етиштиришимиз мумкин ва лозим.

Пахта теримига тайёргарлик ишларини ҳам меъёрига етказмоқдамиз. «Зангори кема»лар, тележкалар ремонти тугалланди. Транспортнинг бошқа хиллари ремонти ҳам қизғин давом этяпти. Пиатоволиклар методи асосида йигим-терим отрядлари, тузамиз, машиналарни икки сменада ишлатиш чораларини кўрамиз. Илғорларни рағбатлантириш учун мукофот ажратамиз. Бир кунда камида икки кунлик графикка тенг пахта тайёрлашни мунтазам амалга оширамиз.

Ғўза парвариши, хусусан суғориш, озиқлантириш, айниқса теримга тайёргарлик кўришда ҳали айрим камчиликларимиз бор. 300 гектарча майдондаги ғўзаларнинг ҳосил тўплаши талаблар даражасида эмас. Баъзи бригадаларда суғориш билан культивация орасида узилишга йўл қўйиляпти. Меҳнат интизомини бузаётган, кунлик иш нормасини бажармаётган кишилар ҳам йўқ эмас. Биз бу камчиликларни зудлик билан бартараф этамиз, ҳамма майдонларда 60 центнерлик пахта хирмони кўтаришга етарли даражада юқори ҳосил тўплаймиз, она-Ватанга 11 минг тонна юқори сорт пахта етказиб бериш билан 1980 йилни якунлаймиз.

Ш. ҚАҲҲОРОВ,
Самарқанд область Пахтачи районидаги Карл Маркс номли колхоз раиси.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Кичик фожиалар. Бадиий фильм 2-серия. 11.15 — Горничилар, қаердасиз! 11.45 — Ҳужжатли фильм. 12.10 — Гаванада сўлиб ўтган ёшлар ва студентлар XI Бутунжаҳон фестивалининг лауреати Л. Рюмина ижро этади. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 15.55 — Бронза қуш. Бадиий фильм 1-серия. 17.00 — Спортчилар класси. 17.45 — Баянчилар триоси чалади. 18.00 — Шахмат мактаби. 18.30 — Концерт. 18.45 — Ленин номи билан. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Жасорат. 20.05 — СССР халқ артисти В. Руденко куйлайди. 20.20 — Кичик фожиалар. Бадиий фильм 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Кинотомошабин ҳамроҳи. 22.35 — Дунё воқеалари. 22.50 — Фильм — концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Мультфильм. 14.50 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 12.00 — Светофор. 13.20 — Болаликнинг сўнгги ёзи. Бадиий фильм 3-серия. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — Ёшлик. 19.00 — Турмуш ва маданият. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ижод гулшани. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Озуқа ишлаб чиқариш резервлари. 22.20 — Даурия. Бадиий фильм 1-серия.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Болалар учун фильм. 20.55 — Биология. 21.25 — Асмик. Телевизион фильм. 21.55 — Кулгили бахтим менинг. Спектакль 2 серия.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Ўзбекистон Давлат телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 9.30 — Микрофон олдида СССР санъат усталари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Қишлоқ мухбирлари бизга ёзадилар. 13.30 — Эстрада концерти. 14.00 — Ғаллакорлар рапорти. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшиттириш. 18.30 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 18.40 — Ёшлик. 19.45 — Музикали танаффус. 20.25 — Ўзбекистон, сен менинг қўшигимдасан. 20.50 — Сиёсий шарҳловчи саволларингизга жавоб беради. 21.00 — А. Серафимович. Темир оқим. Романдан парча. 21.20 — Ердамчи хўжалик — фойдали. 22.30 — Лирик концерт. 23.20 — Дам олиш соатида.

●

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ БИР ОЙЛИК Тайёрлов курсларига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ва иш тажрибасига эга бўлиб институтга кириш учун ҳужжатларини топширганлар қабул қилинади.

ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА.

Машғулотлар 10 июндан бошланади.

Институт адреси: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, 26-хона.

●

«Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг

54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун минорали кран машиннистлари ва шу кранлар ремонти бўйича электриклар тайёрлайдиган

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Совет Армияси сафида хизмат қилиб қайтган йигитлар ҳамда 18 ва ундан катта ёшдаги қизлар қабул қилинади. Маълумоти камида 8 синф ҳажмида бўлиши керак.

Машғулотлар рус тилида олиб борилади.

Минорали кран машиниистлари учун ўқиш муддати — 3,5 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ

Елгизлар ётоқхона ва прописка билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Шч. Руставели кўчаси, 19-уй (4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар; 9, 13, 15, 16-троллейбуслар; 18-автобуснинг «Радость» магазини» бекати).

●

«АЛМАЛИКҒРАДОСТРОЙ» трестининг

ОҲАНГАРОН ШАҲАРЛАР ҚУРИЛИШИ БОШҚАРМАСИГА

сувоқчи-бўёқчилар, дурадгорлар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли, 15 процент минтақа коэффициенти тўланади. Бир йил мобаённда турар жой берилади.

Мурожаат учун адрес: Оҳангарон шаҳри, Октябрь 50 йиллиги кўчаси.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 2 июль сонида эълон қилинган пул-буюм лотереяси расмий жадвалидаги серия номери 42991, билет номери 105 бўлган лотерея билетига чиққан ютуқ «6 метр ғилам духоба» ўрнига «6 метр духоба» деб тузатиб ўқилсин.

Пойтахтимиз меҳмонлари

ДЎСТЛИК ГУЛДАСТАСИ

КЕЧА ТОШКЕНТДА ИРКУТСК МУЗИКАЛИ КОМЕДИЯ ТЕАТРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНДИ

Кеча Тошкентдаги М. Горький номли рус драма театри биносида Иркутск шаҳридаги музикали комедия театрининг гастроллари бошланди. Бу гастроллар санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. «Совет Ўзбекистони» махсус мухбири Ш. МИРҲАБИБОВ театрнинг бош режиссёри, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Мирон Ярославович ЛУКАВЕЦКИЙ билан суҳбатлашди.

— Тошкентдай машҳур шаҳарда, қарийб 30 та профессионал театри бор республиканинг пойтахтида спектакль намойиш этиб, уни халққа манзур этиш ғоятда қийин, — деди М. Лукавецкий. — Шу боисдан бу ерга олиб келган спектакларимизни қайтадан обдон кўриб чиқдик, талқин савиясини янада оширишга ҳаракат килдик.

Театримиз коллективи биринчи марта Тошкентда 1972 йили гастролда бўлган эди. Ўшанда тошкентликлар бизнинг спектакларимизни, оперетталаримизни кўриб, олқишлар билан кутиб олишган эди. Орадан саккиз йил ўтгач яна шаҳрингизга ташриф буюрдик.

Тошкентлик ва иркутсклик санъаткорлар кўп йиллардан бери ҳамкорлик қилиб келишади. Бизнинг театримиз ҳам Тошкентдаги М. Горький номли рус драма театри, Тошкент оперетта театри билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб боряпти.

Театримиз 1940 йилда ташкил этилган. Москвадаги М. Горький номли оперетта театри ўша йили бизнинг шаҳримизда спектакллар намойиш этган ва шу коллектив асосида бизнинг театримиз ташкил топган эди. РСФСР халқ артистлари Н. Гросс, Н. Загурский, Н. Каширский, Н. Логуновалар театримизнинг асосчиларидир. Биз ҳозир уларнинг номини чуқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Тинчлик ва дўстлик шаҳри — Тошкентда ўтадиган гастролримиз икки шаҳар театрларининг қардошлиги намойишига айланади. Бизга гастроль вақтида кўпгина классик асарларни намойиш этамиз. Француз драматурги Жак Оффенбахнинг «Гўзал Елена», Штрауснинг «Лўлилар барони», «Учувчан кўршапалак», И. Кальманнинг «Сильва» асарларини намойиш этамиз. Бу спектакллар томошабинларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Театримизнинг ақил коллективи серқуёш ўлка пойтахтидаги гастролларнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш учун ўзининг бутун маҳоратини сарфлайди. РСФСР халқ артистлари Виктор Жибинов, Макс Шнейдерман, Николай Хохолков, Наталья Данилина, Елена Волошина, Антонина Комарова сингари етакчи артистлар, Людмила Любименко, Валентина Ермошкина, Нина Унд, Ерофей Васильев, Геннадий Данилин, Виктор Гусаков, Николай Прошин ва бошқа ёш санъаткорлар ўзларининг маҳоратларини намойиш этадилар. Шунингдек, балет солистлари Ирина Макеева, Татьяна Тобиаш, Светлана Черненко, Владимир Раков Карелия АССРда хизмат кўрсатган артист, балетмейстер Николай Катугин раҳбарлигида ўз маҳоратларини кўрсатадилар.

Репертуаримиз хилма-хил. Спектакларимиз орасида совет авторларининг, чет эл композиторларининг нодир асарлари ҳам бор. Иркутсклик ёш композитор А. Кулешовнинг «Сибирь ёғдулари», «Сариқ иблис», Е. Птичкининг «Хотинлар кўзғолони» асарлари шулар жумласидандир.

Кейинги йилларда театримиз коллективи катта муваффақиятга эришганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Коллективимиз Бутуниттифоқ театрлар фестивалининг лауреати бўлди, СССР Маданият министрлиги ва маданият ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғига сазовор бўлди. Бу мукофот бизни бевосита катта марраларни эгаллашга даъват этади.

Ҳар қандай гастроль ижодий коллектив учун катта имконият демакдир. Бизнинг асосий мақсадимиз — айни кунларда муваффақ бўлиб турган ана шундай имкониятдан унумли фойдаланиш, яъни спектакларимиз, уларнинг саҳналаштирилиши, артистларимизнинг ижро маҳорати ҳақида ўзбекистонлик дўстларимизнинг — актёр ва актрисалар, санъат арбоблари, санъатшуносларнинг ва кенг томошабинлар фикрини билиб олиш.

Бизнинг Тошкентдаги гастролларимиз тугагач, шаҳрингиздаги М. Горький номли рус драма театри коллективи Иркутскка боради. Бу ерда август ойида етакчи театрнинг гастроллари бўлади. Бунинг учун Иркутскдаги энг яхши театр биноси шайланмоқда. Бу гастроль ҳам санъаткорларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлайди, ижодий маҳоратни оширишда бевосита катта роль ўйнайди.

Бизнинг тажрибали санъаткорларимиз қатори ёш ижодкорлар ҳам Тошкентга катта умид билан келганлар. Гастролимиз муваффақиятли якунланиб, ишимиздан қониқиш ҳосил қилсак, Ўзбекистондаги учрашувлар бизга янги-янги мавзулар ҳадя этса, қардош ҳамкасбларимиз билан яқиндан танишиб, ўзаро фикр алмашсак, республиканинг хассос актёр ва актрисалари билан танишиб, уларнинг тажрибаларидан баҳраманд бўлсак ўзимизни бахтиёр ҳис этардик. Шуни бемалол айтиш мумкинки, эзгу ниятларимизга, албатта етамиз.

Спектакларимизга марҳамат, дўстлар!

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МУҲИМ МУЛОҚОТ

ТИНЧЛИК ВА КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШ МАНФААТЛАРИ ЙЎЛИДА

Олий даражадаги Совет — Ғарбий Германия музокаралари чет эл жамоатчилиги ва матбуотининг зўр эътиборини ўзига тортди. Турли мамлакатларнинг газеталари музокаралар қандай ўтганини батафсил хабар қилмоқдалар, Кремлдаги знёфатда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев билан ГФР федерал канцлери Г. Шмидт сўзлаган нутқларни баён этмоқдалар. Музокараларнинг аҳамияти СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабат доираси билангина чекланиб қолмаслиги, бу музокаралар халқаро кескинликни юмшатиш ва тинчлик тақдирига катта таъсир ўтказиши мумкинлиги таъкидланмоқда.

Боннда чиқадиган «Генераль анцайгер» газетасининг таъкидлаб ёзишича, КПСС билан Совет давлатининг раҳбари Ғарбга мурожаат этиб, турли-туман «қўшимча қуролланиш» программаларини бир чеккага йиғиштириб қўйишга, ҳоҳ ракета, нейтрон, химия қуроли, ҳоҳ бошқа ҳар қандай қуролнинг янги турлари ва системаларини яратишдан воз кечишга қатъий даъват қилди.

«Г. Шмидт билан Л. И. Брежнев ўртасидаги учрашув халқаро муҳитни яхшилашга кўмаклашиши мумкин ва лозим», деди Германия Коммунистик партиясининг раиси Г. Мис Ганноверда сўзлаган нутқида. Москвадаги музокаралар иккала мамлакатнинг манфаатларига ҳам, шунингдек Европа ва бутун дунё халқларининг манфаатларига ҳам хизмат қилиши лозим, деб таъкидлади у.

«Работническо дело» газетаси (Болгария) «Бениҳоя муҳим мулоқот» сарлавҳали шарҳида бундай деб ёзади: Совет — Ғарбий Германия муносабатлари иккала мамлакат манфаатлари йўлида, тинчлиқ, кескинликни юмшатиш, ҳамжиҳатлик ва халқаро хавфсизлик манфаатлари йўлида турли соҳалардаги ҳамкорликнинг ўзаро манфаатли йўлларини қандай қидириш ва топиш мумкинлигининг энг ёрқин мисолларидан биридир.

Л. И. Брежнев ўз нутқида уқтириб ўтганидек, деб ёзади Польшадаги «Трибуна люду» газетаси, кейинги ўн йил мобайнида можароли вазиятларни бартараф этиш, низолар ва ихтилофларни юмшатишнинг муҳим тажрибаси тўпланди. Хельсинкидаги Умумевропа кенгаши шу йилдаги ёрқин босқич бўлди. Ер юзидаги ва, айниқса, Европадаги одамлар эркинроқ нафас ола бошладилар. Энди уларнинг уйлари остонасида уруш шарпаси қўланка солиб турмаётганини одамлар ҳис қилишди. (ТАСС).

ПОЛЬША ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ. Мамлакатда қурилаётган ҳар учинчи кема Гданьск верфи ҳиссасига тўғри келмоқда. Совет Иттифоқи — Польша кемаларининг асосий буюртмачисидир.

Суратда: СССРга мўлжалланган янги траулер сувга туширилмоқда.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ПАП АГЕНТЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ПАП агентлиги хабар қилади: Варшава ҳарбий округининг суди ПХР оғир ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги маҳкамаси директорининг собиқ ўринбосари Л. Хрустни НАТО мамлакатлари разведкаларидан бирининг фойдасига жосуслиқда айблаб, 25 йил муддат билан турма жазосига ҳукм қилди. Суд терговида шу нарса аниқландики, Л. Хруст империалистларнинг махсус хизматлари томонидан ёлланган бўлиб, Польша Халқ Республикаси мудофаасига, экономикаси ва ижтимоий-сиёсий ҳаётига таллуқли муҳим ахборотларни бериб турган. (ТАСС).

АФҒОН ХАЛҚИ БИЛАН БИРДАМЛИК

Кобулда афғон халқи билан бирдамлик юзасидан ўтказилган халқаро учрашув яқиндагина тамом бўлди. Бу учрашув Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотининг ташаббуси билан уюштирилган эди. Учрашувнинг баъзи қатнашчилари Кобулдан йўлга чиқиб, Москвада қисқа вақт тўхтаб ўтдилар.

ТАСС мухбирлари конференция иши тўғрисида олган таассуротларини сўзлаб беришни улардан илтимос қилдилар.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти бош секретарининг ўринбосари Барин Рэй (Ҳиндистон) бундай деди: Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти бундан буён ҳам «Афғонистон масаласи»ни ҳарбий йўл билан эмас, балки тинч чоралар, музокаралар йўли билан ҳал этишга эришиш учун ҳаракат қилаверади. Йигирмадан зиёд мамлакат жамоатчилигининг вакиллари, деб таъкидлади у, Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти региондаги аҳволни сиёсий жиҳатдан тартибга солиш йўлини ўтказиб келаётганлигини яқдиллик билан тасдиқладилар. Контрреволюция кучларининг қўшни давлатлар территорияларидан Афғонистонга ҳарбий йўл билан бостириб киришини тўхтатишни таъминлаш бу муаммони ҳал этишнинг негизи бўлиб қолиши керак.

АҚШда Осиё ва халқларининг миллий озодлик курраши билан бирдамлик антиимпериалистик ҳаракатнинг ижрочи секретари Энтони Монтейро қуйидагиларни айтди: Афғонистон Демократик Республикасига қилган сафаримиздан олган шахсий таассуротларимиз, биз танишиб чиққан ҳужжатлар Афғонистонга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини уюштираётган АҚШ раҳбарларининг сиёсатини собиқдамлик билан фош қилишга ёрдам беради. Аҳолининг кенг табақалари Афғонистон ҳукуматининг сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлигига ишонч ҳосил қилдик. Ғарбдаги реакцион матбуотнинг бу мамлакатдаги воқеалар тўғрисида бераётган хабарлари тамомила уйдирмадир.

«Африка» миллий комитети президенти Эйно С. Репонинг (Финляндия) кузатишидан маълум бўлишича, Кобул тамомила осойишта ҳаёт кечирмоқда. Шу билан бирга мамлакатда амалга оширилаётган прогрессив ўзгартишлар жараёни айрим районларда аксилинқилобчи кучларнинг террорчилик хуружлари билан мушкуллашиб бормоқда. Халқаро империализм кенг кўламда ёрдам бериб, рағбатлантирмаганида «афғон исёнчилари» бундай жиноятларни қилолмаган бўлур эди.

Учрашув, деб уқтириб ўтди Эйно С. Репо, ўз қатнашчилари зиммасига Афғонистондаги демократик ўзгаришларнинг чет элдан юборилаётган аксилинқилобчилардан иборат ҳақиқий душманларини фош қилишни давом эттириш мажбуриятини юклайди. (ТАСС)

ҲУКУМАТНИ АСТОЙДИЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИЛАР

КОБУЛ, 2 июль. (ТАСС). Афғонистон Демократик Республикаси уламолари ва руҳонийларининг бу ерда бўлиб ўтган мамлакат тарихида биринчи анжумани қатнашчилари ўзлари қабул қилган қарорда мамлакат раҳбарларининг сиёсатини қўллаб-қувватлаларини изҳор этдилар, империализм ва ташқи реакциянинг афғон халқи ғалабаларига қарши, Апрель революциясига қарши кирдикорларини кескин қораладилар. Ислом динини ҳурмат қилиш АДРдаги энг муҳим принципларидан биридир, дейилади қарорда.

Бабрак Кармал бошчилигидаги АДР ҳукумати, деб таъкидланади сўнгра қарорда, мамлакатни ривожлантириш ва равнақ топтиришга, афғон халқининг турмуш шароитларини яхшилашга жуда катта эътибор бермоқда. Шу боисдан ҳукуматни астойдил қўллаб-қувватлаш афғонистонлик ҳар бир мусулмоннинг диний мажбуриятидир.

Анжуманда қатнашган вакиллар Афғонистоннинг барча уламолари ва руҳонийларига мурожаат қилиб, Апрель революцияси душманларининг кирдикорларини ўз вақтида фош этиш ва қоралашга чақирдилар.

Конференция қатнашчилари АДР ҳукуматининг АДР мустақиллиги, миллий суверенитети ва территориал бутунлигини ҳимоя қилиш ишида ёрдам беришни сўраб Совет Иттифоқи ҳукуматига қилган мурожаатини қўллаб-қувватлашларини изҳор этдилар.

БМТ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

Қўшма Штатлар бу сафар ҳам Исроилнинг аннексиячилик сиёсатини ҳимоя қилиб чиқди ва бу билан Яқин Шарқ можаросининг энг кескин масалаларидан бири юзасидан жаҳон ҳамжамияти позицияларига душман эканлигини намойиш қилди. АҚШ делегацияси БМТ Хавфсизлик Кенгашида Тель-Авивнинг Қуддусни географик, демографик ва тарихий характери ҳамда статусини ўзгартириш мақсадида кўрган тадбирлари «қонуний кучга эга эмас ва бекор қилиниши лозим» деб таъкидлаб ўтилган резолюцияни қўллаб-қувватлашдан бош тортди.

Исроилнинг ҳукмрон доиралари Қуддуснинг араблар яшайдиган қисмини узил-кесил аннексия қилиш ва уни Исроил давлатининг пойтахти деб эълон қилиш плакларни муносабати билан мусулмон мамлакатларидан бир группаснинг илтимосига кўра Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси чақирилган эди.

14 овоз билан қабул қилинган резолюцияда (бунда АҚШ бетараф қолди) араб территорияларининг, шу жумладан Қуддуснинг Исроил томонидан кўпдан буён оккупация қилинишига чек қўйиш ғоят зарур эканлиги яна бир марта уқтириб ўтилади. Тель-Авивнинг Қуддус статусини ўзгартириш борасидаги қонунчилик ва маъмурий «тадбирлари» бу ҳужжатда «уруш вақтида граждан аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисда Женевада тузилган тўртинчи конвенцияни қўпол равишда бузиш», «Яқин Шарқда кенг кўламдаги адолатли ва мустаҳкам тинчликка эришиш йўлидаги жиддий ғов» деб таърифлаб берилган.

Хавфсизлик Кенгашининг мажлисида фаластинлик араб халқининг даҳлсиз ҳуқуқларини сурбетларча поймол этаётган Тель-Авивнинг Вашингтон томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги танқид қилинди.

Фаластин Озодлик ташкилотининг БМТ ҳузуридаги доимий кузатувчиси З. Л. Терази Америка вакилларининг Яқин Шарқда илгари тинчликка эришишдан «манфаатдор» эканликлари тўғрисидаги гаплари риёкорликдан бошқа бир нарса эмаслигини уқтириб ўтди.

Америка матбуотининг ўзи ҳам Ж. Картер маъмурияти араб халқларининг манфаатларини, Фаластин араб халқининг ҳуқуқларини назар-писанд қилмай, аввало Яқин Шарқда Америка империализмининг стратегик манфаатларини кўзда тутганлигини яширмаётир. Бундан ташқари Ж. Картер маъмурияти арабларга қарши қаратилган ўз позициясини ошкора намойиш қилиб, президент сайлови арафасида таъсири кучли сионист корчалонларнинг овозини олишни умид қилади. (ТАСС).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги

1980—1981 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ОЛИЙ ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

СТУДЕНТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

АНДИЖОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(710000, Андижон шаҳри, Ленин кўчаси, 8-уй)

Кундузги ўқишга: она тили ва адабиёт, математика, математика ва физика, физика, тарих, жисмоний тарбия ва бошланғич таълим методикаси, химия (қўшимча биология ихтисоси билан).

Сиртқи ўқишга: она тили ва адабиёт, биология, география, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(702500, Ангрен шаҳри, 48-квартал, 1«а»-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, география, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан).

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, география.

С. ОРЖОНИКИДЗЕ НОМИДАГИ БУХОРО ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(705000, Бухоро шаҳри, «Ўзбекистон 40 йиллиги» кўчаси, 11-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, математика ва физика, физика, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, география, тарих, чизмачилик ва расм, жисмоний тарбия, бошланғич ҳарбий таълим ва жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси, химия (қўшимча биология ихтисоси билан).

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, биология, география, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(700000, Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 104-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, татар тили ва адабиёти, математика, математика ва физика, физика, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, география, тарих, чизмачилик ва расм, педагогика ва психология (мактабгача), педагогика ва психология (3 йиллик), дефектология, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси (3 йиллик), химия (қўшимча биология ихтисоси билан).

Кечки ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, физика, тарих, чизмачилик ва расм, педагогика ва психология (мактабгача), музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат.

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(708000, Жиззах шаҳри, Целиноградская кўчаси, 4-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, жисмоний тарбия, умумий техника фандари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Ҳ. ОЛИМЖОН НОМИДАГИ ҚАРШИ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(730000, Қарши шаҳри, Кўчабоғи кўчаси, 17-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, физика, география, тарих, жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, биология, география, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(713000, Қўқон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 63-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, педагогика ва психология (мактабгача), жисмоний тарбия, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, тарих, педагогика ва психология (мактабгача), педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Ҳ. Ҳ. НИЕЗИЙ НОМИДАГИ НАМАНГАН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(716000, Наманган шаҳри, Коммунистическая кўчаси, 63-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, математика ва физика, физика, география, жисмоний тарбия, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(700064, Тошкент шаҳри, Педагогика кўчаси, 103-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, ўзбек тили ва адабиёти, қозоқ тили ва адабиёти, татар тили ва адабиёти, математика, математика ва физика, физика, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, география, тарих, чизмачилик ва расм, педагогика ва психология (мактабгача), педагогика ва психология (3 йиллик), дефектология, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси (3 йиллик) химия (қўшимча биология ихтисоси билан).

Кечки ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, физика, тарих, чизмачилик ва расм, педагогика ва психология (мактабгача), музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, биология, география, тарих, жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси, химия (қўшимча биология ихтисоси билан).

Кечки ўқишга: чет тиллари, умумий техника фанлари ва меҳнат.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, биология, география, тарих, жисмоний тарбия, умумий техника фанлари ва меҳнат.

Г. ГУЛОМ НОМИДАГИ СИРДАРЕ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(708400, Сирдарё шаҳри, Ленин кўчаси, 86-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, математика ва физика, физика, жисмоний тарбия, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

ОЙБЕК НОМИДАГИ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(732000, Термиз шаҳри, Фрунзе кўчаси, 43-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, физика, жисмоний тарбия, тарих, умумий техника фанлари ва меҳнат, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, математика, биология, тарих, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ФАРҒОНА ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(772000, Фарғона шаҳри, Педагогика кўчаси, 19-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, математика ва физика, физика, биология ва қишлоқ хўжалик асослари, география, тарих, жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, умумий техника фанлари (қўшимча физика ихтисоси билан), педагогика ва бошланғич таълим методикаси, химия (қўшимча биология ихтисоси билан).

Кечки ўқишга: чет тиллари, умумий техника фанлари ва меҳнат.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, биология, география, тарих, жисмоний тарбия, умумий техника фанлари ва меҳнат.

С. АЙНИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(703046, Самарқанд шаҳри, Биковский кўчаси, 166-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, физика, педагогика ва психология (мактабгача), жисмоний тарбия, музика ва ашула, умумий техника фанлари ва меҳнат, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Кечки ўқишга: она тили ва адабиёт, чет тиллари.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, биология, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ХОРАЗМ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

(740000, Урганч шаҳри, Ҳ. Олимжон кўчаси, 14-уй)

Кундузги ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, чет тиллари, математика, умумий техника фанлари ва меҳнат, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Сиртқи ўқишга: рус тили ва адабиёти, она тили ва адабиёт, биология, география, педагогика ва бошланғич таълим методикаси.

Эслатма: СССР олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари «Совет Ўзбекистони» газетасининг 23 май сонида эълон қилинган.

РЕСПУБЛИКА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ХОТИН-ҚИЗЛАР ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, «Халқлар дўстлиги» проспекти, 27-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари.

АНГРЕН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Ангрен шаҳри, Димитров кўчаси, 17-уй)

Жисмоний тарбия.

БЕКОБОД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент область, Бекобод район, «Зафар» посёлкаси)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, музика тарбиячилари.

АНДИЖОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Андижон шаҳри, Советская кўчаси, 3-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари.

ЖИЗЗАХ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Жиззах шаҳри, Целиноградская кўчаси, 5-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, жисмоний тарбия, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

И. ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ ҚАРШИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қарши шаҳри, Индустриальная кўчаси, 134-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, жисмоний тарбия.

КОСОНСОЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Косонсой шаҳри, К. Маркс кўчаси)

Жисмоний тарбия.

КАТТАҚЎРҒОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Каттақўрғон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 205-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари.

ҚЎҚОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қўқон шаҳри, Советская кўчаси, 85«а»-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

НУКУС ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Нукус шаҳри, Шоссейная кўчаси, 2-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари.

УШИНСКИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ХОТИН-ҚИЗЛАР ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Октябрь кўчаси, 9-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари.

САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Дагбитская кўчаси, 41-уй)

Жисмоний тарбия.

АНГОР ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Сурхондарё область, Ангор қишлоғи)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари.

ТЕРМИЗ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Термиз шаҳри, Октябрь кўчаси, 42-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, жисмоний тарбия.

Я. М. СВЕРДЛОВ НОМИДАГИ ХИВА ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Хива шаҳри, Гагарин кўчаси, 31-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари.

ХУЖАЙЛИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Хўжайли шаҳри, П. Лумумба кўчаси, 1-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари.

ЧУСТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Чуст шаҳри, Пушкин кўчаси, 9-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4 — 8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари.

ЧИМБОЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қорақалпоғистон АССР, Чимбой шаҳри, Горький кўчаси, 116-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари.

ШАҲРИСАБЗ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қашқадарё область, Шаҳрисабз райони)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари.

Н. К. КРУПСКАЯ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Муқимий кўчаси, 178-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

Ю. РАЖАБИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, 17-квартал, И. Франко кўчаси, 38«а»-уй)

Музика тарбиячилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

Ф. ХУЖАЕВ НОМИДАГИ БУХОРО ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Бухоро шаҳри, Ленин комсомоли номли проспект, 70-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари, музика тарбиячилари

ЗЕБИНИСО НОМИДАГИ ҚАРШИ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қарши шаҳри, Индустриальная кўчаси, 130-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

НОДИРА НОМИДАГИ ЛЕНИНСК ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Ленинск шаҳри, К. Маркс кўчаси, 57-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

А. НАВОИЙ НОМИДАГИ МАРҒИЛОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Марғилон шаҳри, К. Маркс кўчаси, 205-уй)

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари, музика тарбиячилари ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

НАМАНГАН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Наманган шаҳри, Островский кўчаси, 3-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари, музика тарбиячилари.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Крилов кўчаси, 7-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари, музика тарбиячилари.

Р. УЗОҚОВА НОМИДАГИ ДЕНОВ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Сурхондарё область, Денов райони, «Ғалаба» колхози)

Умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг музика тарбиячилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

ЯНГИЙЎЛ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Тошкент область, Янгийўл район, Ҳ. Турсунқулов номли колхоз)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

УРГАНЧ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Урганч шаҳри, Гурлан кўчаси, 19-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари, музика тарбиячилари.

БЕРУНИЙ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қорақалпоғистон АССР, Беруний шаҳри, Жуманиёзов кўчаси, 6-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

ОҚМАНҒИТ ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Қорақалпоғистон АССР, Нукус райони, Оқманғит посёлкаси, Жданов номли совхоз)

Умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

ГУЛИСТОН ПЕДАГОГИКА БИЛИМ ЮРТИ

(Гулистон шаҳри, Заводская кўчаси, 42-уй)

Ясли ва ясли-боғча тарбиячилари.

Қабул қилиш қоидалари

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилардан аризалар 1 августгача; ўрта маълумотлилардан эса 15 августгача қабул қилинади.

Тўлиқсиз ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларини 1 августдан 21 августгача топширадилар; ўқувчилар сафига қабул қилиш 21 августдан 25 августгача ўтказилади.

Ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларини 1 августдан 22 августгача топширадилар; ўқувчилар сафига қабул қилиш 22 августдан 25 августгача ўтказилади.

Ҳамма мутахассисликлар бўйича 8-синфни битириб (музика тарбиячилари мутахассислигидан ташқари) ўқишга кирувчилар: она тилидан (диктант), математикадан (оғзаки), музика тарбиячилари мутахассислиги бўйича кирувчилар эса она тилидан (диктант), она тили ва адабиётдан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўрта маълумотлилар жисмоний тарбия, музика тарбиячилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари мутахассисликлари бўйича ўқишга кираётганда: она тили ва адабиёт (ёзма), СССР тарихи (оғзаки)дан имтиҳон топширадилар.

Умумий таълим мактабларининг бошланғич синф ўқитувчилари мутахассислиги бўйича ўқишга кирувчилар; она тили (диктант), математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Музика тарбиячилари, умумий таълим мактабларининг чизмачилик ва расм ўқитувчилари, умумий таълим мактаблари 4—8 синфларининг меҳнат ва чизмачилик ўқитувчилари, жисмоний тарбия мутахассисликларига кирувчилар қўшимча равишда танланган мутахассислиги бўйича ҳам имтиҳон топширадилар.

Танланган мутахассислик бўйича имтиҳонлар биринчи навбатда қабул қилинади.

Умумий таълим мактаблари бошланғич синфларининг ўқитувчилари, ясли ва ясли-боғча тарбиячилари мутахассислиги бўйича кирувчилар кириш имтиҳонлари бошланмасдан олдин музиканн тинглаш бўйича синовдан ўтадилар.

ЭСЛАТМА: кириш имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилиниш ҳуқуқига эга бўлганлар танланган мутахассислиги бўйича ва музиканн тинглаш бўйича имтиҳон топширишдан озод қилинмайдилар.

Музиканн тинглаш бўйича синовдан ўтмаганлар кириш имтиҳонларига қўйилмайдилар.

Р. 02103. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Б. — 153. 6